

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1330,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,1 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагicha ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
Жами	1330,4	113,1	100,0

шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:

давлат мулки

нодавлат мулки	1330,4	113,1	100,0
----------------	--------	-------	-------

ундан фуқароларнинг хусусий мулки

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-март ойларида 305,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1024,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,9 фоизга ошган.

2017 йил январь-март ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қўйидагicha ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
--	-----------	--	--

Чакана товар айланмаси **1330,4** **113,1** **100,0**

шу жумладан:

савдо корхоналари 305,9 107,5 23,0

Якка тартибдаги тадбиркорлик 1024,5 114,9 77,0

уюшмаган сектор (ташкил этилмаган
савдофаолияти)

- - -

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 17,6 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-март ойларига нисбатан 114,3 фоизга ўсиш.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 11,1 фоизга ошди ва 500,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-март ойиларида 413,4 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-март ойларида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 999,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 271,4 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 27,1 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 113,0 фоизни ташкил этди.